Ушбу сонда:
2 Эътироф ЎЗБЕКИСТОН – ЕР ЮЗИДАГИ ЖАННАТ
3 Қатағон қурбонлари «ДЕСАНТЧИ»ЛАР ИСКАНЖАСИ
4 Гиёҳвандлик — фожеа «ҚОРА ИЛОН» ҲАМЛАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 13 август, жума № 111 (758)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

12 август куни Оксарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Японияниг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Киоко Накаяма ишонч ёрлиғини топширди.

Мамлакатимиз раҳбари ёрлиқни қабул қилиб олар экан, Ўзбекистон-Япония муносабатлари ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди ҳамда Киоко хонимга унинг шарафли ва масъулиятли миссиясини бажаришда омад ва муваффақият тилади.

- Сизнинг Ўзбекистонга элчи этиб тайинланишингиз ўзаро муносабатлар мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш учун янги имкониятдир,- деди Президент япон дипломати билан суҳбатда.

Таъкидлаш жоизки, ҳозир Ўзбекистон-Япония муносабатлари юқори даражада ривожланиб бормоқда. «6+2» гуруҳининг Тошкент учрашуви Токио расмий доираларини бефарқ қолдирмагани, «Умид» жамғармаси йўналиши бўйича Японияда кўплаб ўзбекистонлик талабалар таҳсил олаётгани, юртимизда япон сармояси асосида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг тобора кўпаяётгани бу фикрни яна бир карра тасдиқлайди.

Япония элчиси ўз миссияси даврида икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини бундан-да юқори поғонага кўтариш учун бор кучғайратини аямаслигини таъкидлаб, самимий қабул учун Президентга миннатдорлик билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон-Япония муносабатларига оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ишонч ёрлиғини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов иштирок этди.

Суратда: ишонч ёрлиғини топшириш пайти.

(ЎзА)

А.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши шаҳар бўлимининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Маънавият ва маърифат Кенгаши шаҳар бўлимининг Низом ва дастури муҳокама этилди, бу борадаги долзарб вазифалар белгиланди.

Анжуманда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнида мазкур Кенгаш катта ўрин тутиши лозимлиги таъкидланди. Маънавий-маърифий тикланишнинг ижобий бунёдкорлик ишлари моҳиятини кучайтириш, аҳолининг, айниқса ёшларнинг дунёқарашини шакллантириш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида тарбиялаш Кенгаш олдида турган муҳим вазифалардан бири эканлиги алоҳида қайд этилди.

Таъсис конференциясида Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши Тошкент шаҳар бўлимининг раислигига шаҳар ҳокими К.Тўлаганов сайланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Зиё сўзга чиқди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Автомобиллар тўхташ жойлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Автомобиллар тўхташ жойлари фаолиятини такомиллаштириш ва автотранспортни вақтинча сақлаш хизматлари кўрсатиш (тўхташ жойи) учун тўлов ундиришни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси

қ а р о р қ и л а д и:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг автотранспорт қисқа муддат сақланадиган мавжуд автомобиллар тўхташ жойларини хусусийлаштириш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2000 йил 1 январгача автотранспорт қисқа муддат сақланадиган барча мавжуд автомобиллар тўхташ жойлари тендер асосида хусусийлаштирилишини ва тушган маблағлар белгиланган тартибда тақсимланишини таъминласин.

2. Белгилансинки:

автомобиллар тўхташ жойидаги мол-мулк хусусийлаштириш объекти ҳисобланади, ер участкалари эса капитал қурилиш қилмасдан фойдаланиш муддатларини узайтириш ҳуқуқи билан 5 йилгача муддатга фойдаланишга берилади;

автотранспорт қисқа муддат сақланадиган автомобиллар тўхташ жойлари юридик шахс шаклида ташкил этилади ва ўз фаолиятини шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг автомобиллар тўхташ жойларига автотранспортни вақтинча сақлаш хизматлари кўрсатиш /тўхташ жойи/ ҳуқуқини бериш тўғрисидаги тақдимномасига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарорлари асосида амалга оширади. Кўрсатиб ўтилган қарорлар расмийлаштирилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравари миқдоригача бир марталик йиғим ундирилади.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида автотранспорт қисқа муддат сақланадиган автомобиллар тўхташ жойларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

4. Белгилансинки, 1999 йил 1 октябрдан бошлаб автотранспорт қисқа муддат сақланадиган хусусийлаштирилган автомобиллар тўхташ жойлари асосий фаолияти бўйича маҳаллий бюджетга амалдаги солиқлар ва йиғимлар ўрнига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланадиган ставка бўйича қатъий белгиланган солиқ тўлайдилар.

Автотранспорт қисқа муддат сақланадиган автомобиллар тўхташ жойлари учун қатъий белгиланган солиқ ставкаларининг чекланган миқдорлари тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси автомобиллар тўхташ жойларида автотранспортни вақтинча сақлаш хизматлари кўрсатиш /тўхташ жойи/ ҳуқуқи учун қатъий белгиланган солиқ ва бир марталик йиғим ундириш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда:

автомобиллар тўхташ жойлари эгаллаб турган майдондан ва улар жойлашган жойдан келиб чиққан ҳолда автомобиллар тўхташ жойлари учун қатъий белгиланган солиқнинг аниқ ставкаларини белгиласинлар;

автотранспортни автомобиллар тўхташ жойларида вақтинча сақлаш хизматлари кўрсатиш /тўхташ жойи/ ҳуқуқи учун бир марталик йиғим миқдорини тасдиқласинлар;

автотранспорт қисқа муддат сақланадиган автомобиллар тўхташ жойлари юридик шахс сифатида белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилишини таъминласинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 12 август

КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Вазирлар Маҳкамасида Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, мазкур Кенгаш раиси Ў.Султонов олиб борди.

Йиғилишда жорий йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги «Хўжалик юритувчи субъектларни текшириш ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 ноябрдаги «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар муҳокама этилди. Кенгаш раиси ўринбосари, Давлат солиқ қўмитаси раиси С.Алимбоев шу масала юзасидан ахборот берди.

Йиғилишда Кенгаш ва унинг ҳудудий комиссиялари томонидан олиб борилган ишлар республика назорат қилувчи органлари томонидан ўтказилган текширишлар сонини 1998 йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 36 фоиз, рухсатсиз текширувлар сонини эса 10 баравар қисқартиришга имкон берганлиги қайд этилди. Ўтказилган текширишларнинг қарийб 80 фоизини коплекс текширишлар ташкил этди.

Шу билан бирга, бир қанча назорат органлари текширувларни тартибга солиш борасидаги қонунчилик талаблари сўзсиз бажарилишини таъминлай олмаётганлиги танқид қилинди. Уларнинг раҳбарларига рухсатсиз текширишлар ўтказиш ҳолларига барҳам бериш ва бунга йўл қўяётган мансабдорларга нисбатан кескин чоралар кўриш вазифаси топширилди. Мажлисда Кенгашнинг Андижон вилояти бўйича ҳудудий комиссиясининг, шунингдек, Кенгаш ҳузуридаги текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар шикоятларини қабул қилиш гуруҳининг ҳисоботлари тингланди.

Йиғилишда кўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА)

«ТУРОН» ЗИЁСИ

Тошкент вилоятининг «Турон» кутубхонасида китобхонларга хизмат кўрсатишни намунали йўлга қўйишга жиддий эътибор берилмоқда. Хусусан, бу ерда замонавий технология асосида мавжуд адабиётларнинг электрон каталогини тузиш нихоясига етказиляпти. Китобхонлар номи ҳам ана шу каталогга киритилмоқда. Бу кутубхонага мурожаат этувчиларга тезкор хизмат кўрсатишда муҳим аҳамият касб этади.

Бундай замонавий технологияга ўтишнинг ўз тарихи бор. Кутубхона жамоаси ўтган йили Американинг «Сорос» жамғармаси томонидан кутубхоналарни автоматлаштириш бўйича ўтказилган халқаро танловда ғолибликни қўлга киритганди. Шу туфайли «Турон» замонавий техника воситалари билан таҳдирланди. Айни пайтда Америкадан юборилган компьютердан унумли фойдаланилмоқда. Эътиборли томони шундаки, мазкур жиҳоз электрон почта мосламасига ҳам эга бўлиб, дунёнинг исталган нуқтасидан исталган ахборотни олиш ёки ахборот жўнатиш имконини беради. Айни вақтда кутубхона халқаро «Интернет» тизимига ҳам уланди.

Шуни ҳам айтиш керакки, мазкур кутубхона мамлакатимиздаги энг бой зиё масканларидан бири саналади. Бугунги кунда бу ерда минглаб турдаги адабиётлар, газета-журнал тахламлари сақланмоқда. Кейинги вақтларда мамлакатимиз тарихини ўрганишга бўлган қизиқиш ортгани туфайли кутубхонага ташриф буюрувчилар кўпайди. Зиё масканига хорижий китобхонлар ҳам мурожаат эта бошлади.

Зиё масканида яна бир хайрли иш амалга оширилмоқда. Кутубхона қошида фаолият кўрсатаётган, таркибига таниқли олим ва адибларни, зиёлиларни бирлаштирган «Турон» ижодий гуруҳи вилоят шаҳар ва қишлоқларида тез-тез сафарда бўлиб, аҳоли ўртасида маънавият ва маърифатга оид қизиқарли тадбирларни ўтказмоқда.

Неъмат ДУШАЕВ, ЎзА мухбири

БУХОРОДА АНЪАНАВИЙ САЙЛ

Мана уч йилдирки, Мустақиллик байрами арафасида Бухорода анъанавий сайллар ўтказиш одат тусига кириб бораётир.

Маълумки воҳа замини азал-азалдан тилими тилни ёрадиган ширин-шакар қовунлари билан жуда машҳур бўлган. Эндиликда ушбу анъана қайта тикланаётганлиги кўпчиликни беҳад қувонтирмоқда. Буни ҳам мустақиллик шарофати деб қараш мумкин.

Бир неча кун давомида «Бухоро» ўйингоҳининг рўбарўсидаги сўлим майдон қовун сайли иштирокчилари ва бу ерга қадам ранжида қилган мухлислару харидорлар билан гавжум бўлди. «Сахий замин саховати» шиори остида ўтказилган сайлда Бухоро заминида етиштирилган 57 хилдаги қовунлар намойиш этилди.

Шуниси диққатга сазоворки, бу йилги қовун сайлида вилоятнинг деярли ҳамма бурчакларидан вакиллар ўз маҳсулотлари билан иштирок этдилар. Улар орасида деҳқонлар, оилавий пудратчилар, фермер хўжалигининг аъзолари бор эдилар. Тадбирнинг дастлабки кунларидан бошлаб Пешку, Ромитан, Жондор, Ғиждувон, Қоравулбозор туманларига қарашли дўкон расталарининг олди харидорлар билан анча гавжум бўлди.

Жамоатчилик вакилларидан ташкил топган ишчи гуруҳи аъзолари кузатув ишларини синчковлик билан олиб бориб, ғолибларни аниқладилар. Туманлар ўртасида 1-ўрин Пешку туманига насиб этди. 2-ўринни Ромитан тумани миришкорлари қўлга киритдилар. Фахрли учинчи ўрин Жондор туманига тегди.

Иккита рағбатлантирувчи мукофотларни Бухоро ҳамда Когон тумани деҳқонлари қўлга киритдилар.

Хўжаликлар ўртасида таъсис этилган мукофотлар қуйидагиларга насиб этди. 57 хилдаги қовун етиштириб, барчага ибрат бўлган «Чорбакир» жамоа хўжалиги (Бухоро тумани) полизчилари биринчи, Ғиждувон туманидаги Файзулло Хўжаев номли жамоа хўжалиги иккинчи, Олот туманидаги Алишер Навоий номли ҳамда Жондор туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги миришкорлари учинчи ўринларни ишғол этдилар. Яна ўнлаб жамоа, фермер хўжалиги полизчиларига ҳам вилоят касаба уюшмалари кенгаши томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбири.

«САЛОМАТЛИК» ПОЕЗДИ - ОРОЛБЎЙИДА

Навбатдаги «Саломатлик» поезди Тошкентдан Қорақалпоғистонга жўнаб кетди. Бу тадбир Ўзбекистон мустақиллигининг 8 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган Экология ва саломатлик кунларининг учинчи босқичи доирасида ташкил этилди. Поездни тузишда ва ундаги ҳиммат юкларини тўплашда бир қанча давлат ва жамоат ташкилотлари, республикамизда ишлаётган қўшма корхоналар фаол иштирок этди.

Оролбўйидаги экологик фалокат оқибатлари аҳоли саломатлигига ҳам таъсир қилмоқда, фақат катта ёшдагилар орасида эмас, болалар орасида ҳам касалланиш кўпаймоқда. Поездда Оролбўйига жўнаб кетган юқори малакали тиббий мутахассислар бригадасининг вазифаси одамларни ҳар томонлама тиббий кўрикдан ўтказиш, зарур бўлса минтақадаги шаҳарлар ва қишлоқ аҳолисини даволашдан иборат. Бунинг учун поезд замонавий ташхис асбоблари, дорилар билан таъминланган.

Поездда экологик ноқулай туманлар аҳолисига инсонпарварлик ёрдами - озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари, санитария ва гигиена буюмлари ҳам олиб борилади.

Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди

Дастурхонимизни тўкин-сочин этувчи деҳқонлар камтар, камсуқум, бировнинг юзига тик қарашни ўзига эп билмайдиган ориятли инсонлардир. Меҳнат қилишни, сабр-қаноатни миришкордан ўрганиш керак, дея бекорга таъкидлашмайди. Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги «Тошкент» деҳкон-фермер хўжалиги бирлашмаси меҳнатчиси Абдурахмон Курбонов ана шундай кишилардан. Экинларни, боғ-роғларни зараркунандалардан химоя этиш ишига муносиб ҳисса қўшиб келди. Бироқ, кутилмаган бахтсиз ҳодиса уни, оила аъзоларини мушкул аҳволга солиб қўйди.

ЎН ЙИЛДА УНДИРИЛГАН НАФАҚА

Воқеа тавсилоти. Одатдаги иш кунларининг бир эди. Зараркунандалар кўпайиб, Абдурахмоннинг юмушлари ортди. У вақт билан ҳисоблашмай ишлаб, зараркунандаларга қирон келтирди. Вақт кечга яқинлашганда оёғи тойиб, дорилар сақланадиган жойга йиқилиб тушди. Қаттиқ шикастланганлиги боис тезликда касалхонага ётқизилди. Бахтга қарши дорилар ўз ишини бажарган эди. Абдурахмон Курбоновда заҳарланиш аломатлари намоён бўлаётганлиги аниқланди. Шифокорлар саломатлигини сақлаб қолиш учун қанчалик уринишмасин, бўлмади. Курбонов меҳнат қилиш қобилиятини йўқотиб, II-гуруҳ ногирони бўлиб қолди.

Хўжалик томонидан унга нафақа тайинланди. Бироқ, 1990 йилдан бошлаб хўжалик мутасаддилари турли баҳоналарни рўкач қилиб, нафақа пулини бермай келишди. Юқорида таъкидланганидек, бу оққўнгил, ориятли инсон оиласи билан моддий жиҳатдан қанчалик қийналмасин, бугун-эрта инсофга келишар, деган ниятда сабр-қаноат қилди. Нафақа чўзилавергач, мутасаддиларга неча бор рўбарў бўлиб, аҳволини тушунтирди. Ёзма равишда маъмуриятга мурожаат қилди. Баъзида «сабр қил, чорасини кўряпмиз», дейишса, гоҳида иқтисодий тақчиллик баҳона қилинди. Курбоновнинг таъкидлашича, оиласи, уч нафар фарзанди ғоят қийналган. Кимларгадир ишониб, инсоф кутиб, тўқиз йилни амал-тақал қилиб ўтказди.

Сабрнинг ҳам чеки бор. Хўжалик раҳбарларидан қаттиқ ранжиган Абдурахмон охир-оқибат сабр косаси тўлиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига ёрдам сўраб мурожаат этди. Мутахассислар бу адолатсизликдан ҳайратга тушдилар. Шикоят йўлга чорлади. Арзномада келтирилган даъволар тўла исботини топди. Унга 1990-1999 йиллар ичида хўжалик томонидан нафақа пуллари берилмаган. Бу ҳар қандай кишини тутоқтириб юборади.

Ҳақли савол туғилади. Биз қаерда, қайси даврда яшаяпмиз? Мустақиллик қадр-қимматимизни ўрнига қўйиб, ҳақ-ҳуқуқимиздан фойдаланишга кенг имкон берган бир шароитда бундай адолатсизликларни қандай баҳолаш мумкин. Қолаверса, Абдурахмон Курбоновга ўхшаган кишиларга қарата айтадиган гапимиз бор: ўзимизни-ўзимиз ҳимоя қилиш, ҳақ-ҳуқуқимизни талаб қилишни, бир сўз билан айтганда Конституциямизга суяниб яшашга қачон ўрганамиз. Керагидан ортиқ ориятлилик, муросасозлик қилиб ўзини, оиласини шунча йил мобайнида қийин аҳволга солиш Яратганга ҳам хуш келмайди, ахир!

Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди. Сирдарё вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг шу йил 6 июлдаги кўрсатмасига асосан «Тошкент» деҳкон-фермер хўжалиги бирлашмаси томонидан иш қобилиятини йўқотганлиги муносабати билан II-гуруҳ ногирони А.Курбоновга 1999 йил январидан июл ойига қадар берилмаган нафақа пуллари тўланди. Бундан буён ҳар ойда ишчи-хизматчиларга маош берилаётганда, унга 4832 сўм 48 тийин миқдорида нафақа пули тўлаб бориладиган бўлди. Тўққиз йиллик товон пули бир ой ичида II-гуруҳ ногиронига етказилади. Шундай қилиб, ўн йил деганда нафақа муаммоси ўз ечимини топди.

Фазилат ҲОЖИҚУЛОВА, «Ишонч» мухбири.

Эътироф

Мисрлик олим доктор Ийҳоб Аҳмад ИБРОҲИМ Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидаги элчихонасига ўзининг бир мақоласини тақдим этди. Муаллиф унда мамлакатимизга қилган сафари тўғрисидаги таассуротлари билан ўртоқлашган бўлиб, ушбу мақола матнини мамлакатимиз матбуотида чоп этилишини сўраган. Қуйида уни ўқувчилар эътиборига тахрирсиз ҳавола этамиз.

ЎЗБЕКИСТОН - ЕР ЮЗИДАГИ ЖАННАТ

Ўзбеклар юрти дунёдаги жаннатмакон ўлкалардан бири, тинчлик ва муҳаббат боғидир. Ўлкани бир марта зиёрат этиш шарафига муяссар бўлган киши қалбида бу юртга нисбатан муҳаббат абадий қолади. Камина Ўзбекистоннинг пок заминида 1998 йил июл ойидан то ноябр ойига қадар истиқомат этиш бахтига муяссар бўлдим. Бу улуғ диёрни зиёрат этиш менинг азалий орзу-умидларимдан бири эди. Ўлканинг маданият ва осори атиқаларини ўрганиш учун ЮНЕСКО томонидан тақдим этилган йўлланмага молик бўлганим сабабидан бу орзуим амалга ошди. Ўзбекистон - Буюк ипак йўли ўтадиган мамлакатлар орасидаги энг муҳим тижорат маркази сифатида ЮНЕСКО режаларига тадқиқот қилиш учун киритилган эди. Бу қутлуғ заминда ўтказган саодатли кунлар ва унутилмас дамларимни ёдлаб юрган бир пайтда, 1999 йил феврал ойи ҳодисалари ҳақида жаҳон ахборот воситалари томонидан тарқатилган мудҳиш хабарларни эшитиб ғамғуссам ниҳоятда ошди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийлари шахсиятларига нисбатан ёвузларча қилинган суиқасд ҳақидаги хабар мени хавотирга солди, чунки бу ҳур ўлкада амалга оширилган осойишталик, барқарорлик ва фаровонлик биринчи навбатда Ўзбекистон Йўлбошчиси номи билан боғлиқдир. Бу фақат менинг таассуротим бўлмай, балки Ўзбекистон диёрида бўлган вақтимда мен билан учрашган ва дўстлашган барча кишиларнинг холис баҳосидир.

Энг ачинарлиси шундаки, маълум бўлишича, бу нохуш ва изтиробли ҳодисалар ўзаро муҳаббат, эзгулик дини бўлмиш ислом динимизга сохта тобеликни ёқлаб чиқувчи манфур кимсалар гуруҳи томонидан оширилган экан.

Бу хабарларни эшитиб, ғоят даражада ранжидим. Муборак ислом динимиз йўлида беқиёс хизматларни амалга оширган Инсонга нисбатан шундай иш қиладиларми? Турли маросимларда ўз халқини ислом таълимотларини маҳкам ушлашга даъват этган Инсонга нега бундай муносабатда бўладилар? Муборак ислом динимиз амр этганидек - яхшиликнинг мукофоти яхшилик қилиш эмасми? Бутун жаҳонда ислом динини тарқатиш борасида ўзларининг муборак ҳиссаларини қўшган, диний ва дунёвий соҳаларда беназир асарларини бизларга ўлмас мерос қилиб қолдириб кетган буюк уламо ва мутафаккирларни тарбиялаган бу муборак заминда шундай жирканч иш қиладиларми?

Маълумки, Ўзбекистон бир қанча вақт оғир зулм ва мустамлакачилик ибтидоси остида яшади. Советлар бу ўлкада ислом таълимотига бутунлай барҳам бериш йўлида барча воситаларни ишга солди, яъни уламолар ҳибсга олинди, мадраса ва масжидлар беркитилди. Аммо, Тангри таолонинг марҳамати билан Ўзбекистон халқи озодлик ва мустақилликка эришди, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муассасаларни қайта қуришда аср ва илм руҳини маҳкам тутган ҳолда илдам қадам ташламоқда. Буларнинг барчаси Ватан равнақи йўлида буюк хизматларни холис амалга ошираётган Президент Ислом Каримовнинг доно сиёсати билан узвий боғлиқдир.

Мавриди келганда шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистонда 8 йил муқаддам фақатгина 80 та масжид бўлган бўлса, истиқлолга эришганидан сўнг уларнинг сони 1500 дан ошиб кетибди. Советлар даврида ёпилган барча мадраса-ю масжидлар очилиб, уларда диний таълим бериш бошланди. Мамлакатда динга оид минглаб китоблар нашр этилди. Бу Президент жанобларининг ўз Ватани ўғлонларининг ислом дини таълимотлари асосида тарбияланиши ва ўсишларига катта аҳамият беришининг далилидир.

Бир неча марта Самарқанд, Бухоро, Хива ва Фарғона шаҳарларига қилган зиёратларим давомида Президент жаноби олийларининг масжид ва мадрасаларни таъмирлашга бош-қош бўлганликларининг гувоҳи бўлдим.

Мамлакатда амалга оширилаётган хайрли ишлардан яна бири аждодлар табаррук номларини тиклаш ва маданий меросни ўрганишдир. 1998 йил октябр ойида Имом ал-Бухорий ва аллома Аҳмад ал-Фарғонийларга бағишлаб ўтказилган халқаро анжуманлар ишида камина фалакиёт ва меъморчилик соҳаларида ал-Фарғоний қашфиётлари ҳақида илмий маъруза билан иштирок этиш шарафига муяссар бўлди.

1999 йил 7 апрелда Президент Ислом Каримов жаноби олийлари диний шуурни ўстириш ва давлат барпо этишдаги дини ислом ғоялари ва ҳикматларининг аҳамиятига иймонлари мустаҳкамлигидан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳрида Ислом университетини очиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Юқорида зикр этганларим Ўзбекистонда бўлган вақтимда Президент Ислом Каримов жаноби олийларининг шахсиятларидаги мен кўрган ва билган фазилатларнинг айримлари, холос. Буларнинг ҳаммаси албатта бу мард-мўмин инсоннинг ўз халқи фарзандлари ислом руҳини сақлашларига ва ўз Ватанининг маданий меросига катта аҳамият бераётганлигининг далилидир.

Мен мазкур ҳикоямни 1999 йил 1 сентябрида нишонланажак Ўзбекистон Истиқлолининг 8 йиллиги байрами муносабати билан келтирмоқдаман. Фурсатдан фойдаланиб, Тангри таолога чин ихлос билан юзланиб, Президент Ислом Каримов жаноби олийларига доимий сиҳатсаломатлик тилайман. Парвардигор Президент жанобларини ўз халқи фаровонлиги ва мустақил давлат барпо этиш йўлидаги барча эзгу амалларига муваффақ айласин! Ўзбек халқига яхши кунлар доимо йўлдош бўлсин!

Доктор Ийҳоб Аҳмад ИБРОҲИМ,
Қоҳира университети Археология факультети Ислом ёдгорликлари бўлими.
Б.ИРИСОВ тайёрлади.
«Жаҳон» АА

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 8 йиллиги олдидан

Фахрия

ТОШНИ ЁРИБ ЧИҚҚАН БИР ТУП АНОР

Билмадим, бу уруғ қачон тушган, қандай тушган - лекин эсимни танибманки, уйимиз пойдевори остидан, тош йўлакни ёриб ҳар баҳор бир туп анор бўй кўрсатади. Дераза олдидан чиққани учунми ёки кун келиб ҳосилга киришига ишонмаганликданми, ҳар йили тийғи парронга учратилади. Бу орада қанчадан-қанча пах-пахлаб ўстирилган дарахтлар қуриб кетди. Ўжар анор эса...

Балки бу ҳам бир тасодифдир, саккиз йил муқаддам нишона берган ниҳол бугунга келиб ҳам бўйига, ҳам энига гуркираб ўсмоқда. Шиғил-шиғил мевалардан шохлари саломга мойил. Ҳам чирой бахш этади, ҳам дармон-дори.

Шундайки, бугун биз яшаб турган ҳовлини бир пайтлар -ўттизинчи йилларнинг бошларида Абдулла Қодирий (Жулқунбой) дараклаб, ўртада туриб олиб берган эканлар. Мен бу гапларни боғдаги дов-дарахтлару узумзорни суғориш учун тўрт-беш чақирим йўл босиб, Бешёғоч ариғидан Самарқанд дарвозага қадар сув ҳайдаб келиб, бутун боғдай фожеали равишда ҳазон бўлган эди.

Беихтиёр уйимиздаги тош ёриб чиққан анор дарахти кўз олдимда гавдаланади. Ўзбекнинг қисматини ушбу ниҳолда кўргандек бўламан. Нақадар ўхшашлик! Неча бор талатўпга учраб, неча бор тош ёриб ўзлигидан мужда бермаганми эди ахир!

Саккиз йилки озодлик эпкинидан тўйиб-тўйиб нафас олмоқдамиз. Ўша муборак кунларда қадалган эзгулик уруғларига эга чиққанлигимиздан бошимиз осмонда. Сурурли дамларга ҳамдам эканлигимиздан қалбимизда ғурур. Бу кунларни аждодларимиз озмунча кутишганмиди?!

Элас-элас қулоққа чалиниб қолади: биз мустақилликка осонлик билан, ҳеч эмасми! Биз - уларнинг авлодлари аждодларимиз руҳи пойига таъзим қиламиз!

Тарих - буюк тарбиячи. Дукчи эшон исёни, Номоз ўғри жасорати, Мадаминдек йигитларнинг жон олиб жон бериши - булар шунчаки тарих шодасини тўлдирган маржон доналаригина эмас. Тилидан, динидан, асрлар оша таркиб топган урф-одатларидан жудо қилмоқни ният қилган, ўз уйида уйсиз, ўз ерида ерсиз, ўз ватанида ватансизликни тақдири азал ҳукмига айлантирмоқ учун ҳеч бир нобакорликдан қайтмайдиган, бошидан бир толаси тўкилган аскари учун бутун қишлоқ-овулларни қиличдан ўтказиш билан юракларга ваҳима солган босқинчилар соясига кўрпача ташлашликнинг чеки-чегараси бор эди-да ахир! Истиқлол аслида узоқ йиллар гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона олиб борилган озодлик курашининг мантиқий якунидир. Уни кўз қорачиғидай асрамоққа аҳд қилганлигимиз, эркимизни амалда - ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий мустаҳкамлаш йўлида собит эканлигимиз ҳам шундан! Ва ҳуррият учун жон фидо этган ўтмишдошларимизга энг мақбул таъзимимиз, бу бизнинг ўз навбатида тарихан зиммамизга тушган бурчни ўта масъулият ва ўта йиғинчоқлик ила адо этмоқлигимиздир. Қалб эҳтиёжига айланган бу истакни муҳтарам Президентимиз шундай ифодалайдилар: «Биз учун мустақиллик - Аллоҳнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эгалик қилиш, халқимиз қудрати, салоҳияти, ақлу заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод Ватан қолдиришдир».

Деразамиз олдидан тошни ёриб чиққан анор дарахтига қараб шу сўзлар хаёлимдан ўтди. Ҳа, табиат ўзиникини олмай қўймайди, деб бежиз айтмайдилар. Шунингдек, инсон ҳам. Бизга озодлик зарур эди - у бугун бизники. Яратганга беадад шукроналар бўлсин.

Зайниддин РИХСИЕВ.

ЎЗ ЕРИНИНГ ХЎЖАЙИНЛАРИ

Ерга барака уруғини қадаган инсон борки, мўл ҳосил олишни кўзлайди. Аммо уруғ униб чиққанидан то ҳосил йиғиштириб олингунга қадар бажариладиган ишларда озгина бўлсин, камчиликка йўл қўйилса, режа амалга ошмай қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам Ўрта Чирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» деҳқон фермер хўжалиги бободеҳқонлари ишни ўтган йилнинг кузидаёқ пухта режалаштиришди.

Мавжуд 540 гектар пахта майдонига етарли даражада ишлов берилиб, ниҳоллар тўлиқ ундириб олишга эришилди. Баҳорнинг иншиқ ҳавоси-ю кетмакет юз берган табиий офатларга басма-бас меҳнат қилаётган пахтакорларнинг режалари улкан.

Айни кунларда далаларда иш қизғин. Чунки ҳосилга ҳосил қўшиш ойида қилинган ҳар бир ҳаракат эртага баракат келтиришини англаб етган бободеҳқонлар туну кун ғўза парвариши билан машғуллар. Шунинг учун ҳам улар режани уддалашга, юксак хирмон кўтаришга ишончлари комил.

Суратларда: 1. Илғор бригада бошлиғи Муборак Алмаматова (чапда), бошқарув раиси Солижон Тожиев, звено бошлиғи Ҳамид Юнусов ва бригада бошлиғи Раҳмон Қурбоновлар далада.

2. Ғўзаларга ишлов берилмоқда.

Х. АВВАЛОВ олган суратлар.

«Ўздонмаҳсулот» Давлат акционерлик корпорацияси тизимидаги корхона, ширкат ва хўжаликлар жамоалари ўртасида футбол бўйича Жиззах вилоятининг Ғаллаорол тумани марказий ўйингоҳида ўтказилган Республика «Олтин бошоқ» турнирининг якуний мусобақалари ни-

«ҒАЛЛАОРОЛ ДОН» ҒОЛИБ

ҳоясига етди.

Унда 12 вилоят жамоаларининг ғолиб командалари иштирок этдилар. Биринчи ўрин ва бош совринга мезбонлар - Жиззах вилоятининг «Ғаллаорол дон» жамоа командаси эга бўлди. Самарқанд вилоятининг «Жомбой дон» командаси иккинчи, Бухоро вилоятининг «Олтин хирмон» жамоа командаси эса учинчи ўринни қўлга киритди.

Ғолиб командалар қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Шунингдек, Бухоро вилоятининг «Олтин хирмон» командаси ўйинчиси Андрей Воробьёв энг яхши дарвозабон, Жиззах вилояти командасининг ўйинчиси Шавкат Ҳолматов энг кўп тўпурар, Самарқанд вилоят командасининг футболчиси Фурқат Қудратов энг яхши ярим ҳимоячи ва Бухоро вилояти ўйинчиси Хайруллаев энг яхши ҳимоячи деб топилдилар.

А.ХУСАИНОВ.

Истиқлол нашидаси

МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАРИМИЗ ДУНЁНИ ЛОЛ ҚОЛДИРДИ

- дейди иқтидорли режиссёр Мунаввара АБДУЛЛАЕВА

Кейинги йилларда театр залларига томошабинлар аста-секин қайтишмоқда. Бунинг боиси, томошабин дидига мос спектакллар ҳамда замон билан ҳамнафас асарлар саҳналаштирилаётганлигидир.

Ҳамза номидаги ўзбек Академик драма театрида ҳам бир қатор саҳна асарлари кенг томошабинлар ҳукмига ҳавола этилмоқда. Шулар жумласига Эркин Хушвақтов қаламига мансуб «Чимилдиқ» ва «Машраб» спектакларини мисол қилиш мумкин.

Бу саҳна асарларини режиссёр аёл Мунаввара Абдуллаева саҳналаштирди. Улар томошабинлар ҳамда мутахассислар томонидан ижобий баҳоланди.

Театр режиссёри М.Абдуллаева М.Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтида бўлажак актёр ва режиссёрларга «Маҳорат ва режиссура»дан дарс берибгина қолмай, Ҳамза театрида ҳам баракали ижод қилмоқда.

- Биз таниқли актёр ва режиссёр, Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизов билан бир неча йиллардан буён ижодий ҳамкорликда ишлаймиз, - дейди у. - Ўтган йили 15 кишидан иборат ижодий жамоа билан Мисрда ўтказилган дунё бўйича экспериментал театрлар фестивалида қатнашдик. Бу фестивалга «Чимилдиқ» спектаклини олиб бордик. У ерда дунёнинг юздан зиёд давлатидан ташриф буюрган театр жамоалари қатнашишди. Миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз ҳамда қадриятларимизни акс эттирган саҳна асаримизга, айниқса, Монголия, Испания, Англия, Австрия, Украина, Қамар, Сурия, Миср, Венгрия, Жазоир, Болгария ҳамда россиялик санъат аҳллари катта баҳо беришди. Фестивал низомига кўра ҳар бир давлатдан ташриф буюрган ижодий жамоа ўз саҳна асарларини бир кун намойиш этишлари кўзда тутилган эди. Лекин бизнинг «Чимилдиқ» спектаклимиз кўпчилик томонидан маъқул топилиб, Мисрнинг энг катта Ал-айм театрида барча йиғилганларга 2 кун намойиш этилди.

У ерда Ўзбекистондан ташриф буюрган меҳмонларга бошқача ҳурмат ва эъзозда бўлишди. Мисрнинг кундалик матбуот саҳифаларида, телевидение ва радиода «Чимилдиқ» ижодкорлари ҳақида мунтазам чиқишлар уюштирилди.

Спектакл ҳатто қатағонлик даврида Қоҳирадан паноҳ топган юртдошларимизга ҳам севинч кўз ёшлари олиб келди. Улар ўзбек ижодкорларига атаб улкан гулчамбарлар совға қилишгани кўпчиликни лол қолдирди. Бизлар ўша ерда мустақиллик, озодликнинг қадрини юрагимиздан ҳис қилдик. Кўзларимизда ўзбеклигимиздан фахрланиш, севинч кўз ёшлари...

Мустақиллик шарофати билан ижодкорларга, хусусан аёл ижодкорларга эътибор ўзгача бўлмоқда. Режиссёр М.Абдуллаева 20 га яқин профессионал театр саҳнасида мустақил спектакл намойиш этиш шарафига муяссар бўлди. Жумладан, у саҳнага қўйган «Қийиқ қизнинг қуйилиши», «Етти фарёд», «Афандининг беш хотини», «Чимилдиқ» ва бошқа саҳна асарларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Режиссёр Фарғона давлат рус драма театрида Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллигига бағишлаб «Фарғона фарзанди» деб номланган (Ю.Сулаймон асари) янги асарни саҳналаштирганда ҳам кўпчилик олқишига сазовор бўлди. У ҳатто халқаро «Хумо» театрлараро фестивалида «Энг яхши режиссёрлик иши учун» махсус соврин билан тақдирланди.

Бу спектаклга халқаро «Экосан» йўлланмаси билан Фарғонага ташриф буюрган 20 дан ортиқ давлат вакиллари яхши баҳо бердилар. Ҳатто ўз юртларида ушбу спектаклни намойиш этиш учун таклифлар киритдилар.

- Санъатни севишим туфайли, - дейди у, - кўпгина давлатларга борганимда ўзбек театри ҳамда санъати ҳақида чет эллик касбдошларимизга сўзлаб бераман. Масалан, Ҳиндистондаги ижодий ҳамкорим Бошу билан Ҳиндистон рақс санъатига драматургияни олиб кириш масаласида кўп баҳс юритдик. Яқин йиллар ичида шуни рўёбга чиқариш тараддудидамиз. Эрон, Болгария давлатларида ҳам миллий театрларимиз ҳақида ижодий мулоқотлар олиб бордик.

Мунаввара Абдуллаева истеъдодли актёр ҳам. «Кичкина табиб», «Оқбино оқшомлари», «Қалдирғоч» каби бадиий фильмлар ҳамда ўндан зиёд видеофильмларда ажойиб тимсоллар яратган. Мирза Холметов, Абдураим Абдувахобов, Равшан Жўраев, Назира Маҳмудова, Назира Эргашева каби ўнлаб шогирдлари у билан фахрланадилар.

Ҳикматуллоҳ ҚОДИРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Муштарий илҳоми

МУНАВВАР ТОЛЕ

Ўзбекистон аталмиш серқуёш Ватан,
Бағрингда туғилдим бўлиб чин фарзанд.
Асрий орзу эди буюк Истиқлол,
Мустақил юрт бўлдинг, жаҳон қолди лол.
Истиқлолга эришган кунинг муборак,
Ҳур Ўзбекистон, ҳурлик тўйинг муборак!

Кенг бағрингда ўсди қанча аллома,
Улардан меросдир не-не дурдона.
Улар очган сирлардан бутун дунё лол,
Оламга танилдинг, келиб Истиқлол.
Истиқлолга эришган кунинг муборак,
Ҳур Ўзбекистон, ҳурлик тўйинг муборак!

Ўзбекни улуғлади бобомиз Темур,
Давлат бошқармоққа у эди моҳир.
Ибн Сино ўғлинг - табобат шоҳи,
Минг дардга даводир ўткир нигоҳи,
Истиқлолга эришган кунинг муборак,
Ҳур Ўзбекистон, ҳурлик тўйинг муборак!

Ҳурликни Нодира севди жонидан,
Халқларварлик бор эди унинг қонида.
Беруний, Алишер, Бобур, Улуғбек,
Улар бор, жаҳонга танилди ўзбек.
Истиқлолга эришган кунинг муборак,
Ҳур Ўзбекистон, ҳурлик тўйинг муборак!

Гул диёрим, тилайман сенга шараф-шон,
Гулла, яшна она юрт, ҳур Ўзбекистон.
Мамлакатлар ичра топибсан камол,
Боқий бўлсин элим, сенга Истиқлол.
Истиқлолга эришган кунинг муборак,
Ҳур Ўзбекистон, ҳурлик тўйинг муборак!

Тўймурод ЖОМАРТОВ,
шифокор.

ЛИЦЕЙ ВА КОЛЛЕЖЛАРГА - КЕНГ ЙЎЛ

«Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур»да ёшлар маънавий камолоти йўлида амалга оширилаётган маърифий тадбирлар мажмуаси ўз ифодасини топди. Бу йўрикнома бўйича халқ таълимини ислоҳ қилишнинг қатор муҳим масалалари бирин-кетин ҳал этилмоқда. Янги турдаги ўқув даргоҳларини очиш ва уларнинг моддий-техник негизларини мустаҳкамлашга ҳам дадил киришилди.

Бу соҳада эришилаётган дастлабки ютуқлар Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус касб таълими маркази томонидан уюштирилган кўргазма мисолида ҳам кўриш мумкин бўлди. Уни Президентимиз кўздан кечириб, истакларини билдирди.

Ана шу академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини бунёд этиш борасида қўлга киритилаётган ютуқлар ҳам чакки эмас. Биргина республикамиз пойтахти Тошкентда ўтган йилнинг тажриба-намуна тариқасида ташкил топган бу янги турдаги ўқув даргоҳлари ўқувчи ёшларни радиотехника, билан қуроллантириб, уларда касбий кўникмалар ҳосил қилмоқда.

— Тажриба-намуна тарзида иш бошлаган иккита академик лицейда амалга оширилган таълимий жараёнлар ҳам кутилган натижасини берди, - дейди Республика касб-ҳунар таълими маркази раҳбари Ҳ.Мақсудов. - Бу лицейлар Тошкент Давлат университети ҳамда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузурида ташкил этилган бўлиб, иқтидорли ўқувчиларни техникавий йўналишларга доир билимлар билан қуроллантиришга қаратилган. Юқорида айтиб ўтилган коллежлар ҳам, лицей ҳам давр талабларига тўла жавоб бермоқда.

Янги 1999-2000 ўқув йилида Тошкентда бир йўла 13 та касб-ҳунар коллежини очиш кўзда тутилди. Уларда 7150 нафар ўқувчи ўқиб, энг етук мутахасис бўлиб етишадилар.

Янгидан ташкил этилаётган 11 та академик лицейда 2625 нафар толиби илм билим олади.

Янги турдаги бу билим юртларини жиҳозлаш ишлари ҳам жадал олиб борилмоқда. Ўқув мебелларини сотиб олиш учун 76 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Бундан ташқари республика касб-ҳунар таълими маркази орқали лицей ва коллежларга 23 та компьютер қурилмалари мажмуаси берилади. Шунингдек, лингафон хоналари ва лабораториялар ҳам зарур жиҳозларга эга бўлди. Педагогик кадрлар билан ҳам етарли таъминланди.

Лицей ва коллежларнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва муассасалар билан алоқалари яхши йўлга қўйилмоқда. Масалан, самолётсозлик коллежи Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорлик шартномаси асосида иш олиб бормоқда. Ўзаро келишувга мувофиқ коллежга тўртта асосий йўналиш бўйича ўқувчилар қабул қилинмоқда. Амалий ва ишлаб чиқариш машғулотларини олиб бориш учун корхонада махсус ўқув хоналари ташкил этилди. Самолётсозлик корхонаси цехлари ҳам амалий машғулотлар олиб боришга ихтисослаштирилди.

Тошкент Давлат университети ҳузурида фаолият кўрсатаётган академик лицейда ҳам кадрлар тайёрлаш борасида маълум тажриба орттирилмоқда. Бу ерда якка тартибда машғулотлар ўтказиш режаси бўйича таълимий жараёнлар йўлга қўйилмоқда. Машғулотларни асосан университет ўқитувчилари олиб боришмоқда.

Тошкент қурилиш-коммунал коллежида ҳам илғор таълимий жараёнлар асосида иш олиб борилмоқда. Бу коллежнинг орттираётган иш тажрибаси янгидан ташкил топаётган касб-ҳунар коллежларида кенг қўлланилади.

Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни ташкил этиш ҳамда уларнинг янги ўқув йилидаги илк фаолиятларини йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар Тошкент шаҳар ҳокимлигининг кенгайтирилган мажлисида батафсил кўриб чиқилди. Бу ўқув юртларининг истиқболига доир режалар ҳам белгилаб олинди.

А.АЛИЕВ.





КАСБИМ-ФАХРИМ

Холдарали Пўлатов яқин 40 йилдан буён қурувчилик касбини эъзозлаб келмоқда. 35 йилдирки қурувчилар бригадасига етакчилик қилади.

У ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизнинг турли шаҳарларидаги қурилиш ишларида фаол қатнашди. Шифохоналар, мактаблар, ишлаб чиқариш корхоналарининг бунёд этилишига муносиб ҳисса қўшди. Тажрибали уста айни кунларда Хонобод шаҳрида бунёд этилаётган 300 ўринли коллеж қурилишида ўз бригадаси билан меҳнат қилмоқда. У мустақилликнинг саккиз йиллиги нишонланадиган кунда иш бошлайди.

Суратда: қурувчи Холдарали Пўлатов.

Бахтиёр ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Касаба уюшма ҳаёти

МЕҲНАТЧИ АЁЛЛАРГА ИМТИЁЗ

Аёл она, уй бекаси бўлибгина қолмасдан, мустақиллигимизни мустаҳкамлашда, унинг қудратини оширишда фаол иштирокчи ҳамдир. Бинобарин касаба уюшмалари вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми худди ана шу масалага бағишланди ва унда ишловчи аёлларга зарур меҳнат ва турмуш шароити яратиш борасидаги вазифалар кўриб чиқилди. Бу ҳақда кенгаш раиси Каримжон Раимжонов маъруза қилди.

Мамлакатимизнинг ҳамма жойида бўлгани каби Наманган вилоятида ҳам хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш, улар учун етарли меҳнат ва дам олиш шароитини яратиш, қонунларда кўзда тутилган имтиёзлардан тўла фойдаланишларини таъминлаш борасидаги тадбирларни амалга ошириш масалалари касаба уюшмаларининг доимий диққат-эътиборида.

Шу билан бирга вилоят иқтисодиётини юксалтиришдаги аёллар меҳнати баракали бўлаётир. Чунончи, Аёллар йилида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ўтган ярим йилликка нисбатан 17,2 фоизга, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш эса 29 фоизга кўпайди.

Вилоят саноатида нефт, ипак, жундан йигирилган ип ва ундан тўқилган газламалар, сунъий мўйна, гугурт, кир совун, чой, дафтар каби халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошланган экан, буларнинг барчасида хотин-қизлар ҳиссаси катта. Чунончи, янгидан барпо этилган Косонсой туманидаги «Косонсой-Текмен», Поп туманидаги «Поп-Фен» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхоналарида асосан аёллар меҳнат қилишади. Бу ўринда халқ хўжалигини ривожлантиришга баракали улуш қўшаётган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан ёритаётган юзлаб хотин-қизлар номини келтириш мумкин.

Аёллар йили муносабати билан касаба уюшма қўмитаси томонидан жамоа шартномаларига киритган ҳолда ҳомиладор аёллар учун таътил муддатини корхона ҳисобидан 5 ойгача узайтириш, 2 ёшдан 3 ёшгача фарзанд тарбияси билан шуғулланадиган аёлларга ҳар ойда моддий ёрдам кўрсатиш каби қатор имтиёзлар жорий этилди.

Корхоналарда хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитини яратиш касаба уюшмаларининг доимий назоратида. Бу борада Попдаги Ўзбекистон ўрамли том ёпғич ашёлар, Наманган дон маҳсулотлари корхоналаридаги ишлар ибратлидир. Аёлларни соғломлаштириш, улар ўртасида спорт оммавийлигига эришиш йўлида салмоқли ишлар қилинмоқда. Масалан, йилнинг биринчи ярмида фақат касаба уюшмалари йўлланмалари билан шифо масканларида 896 нафар, санаторий-профилакторийларда 2582 нафар хотин-қиз дам олди. Касаба уюшмалари вилоят кенгаши иш режасига асосан спартакиада ташкил этилиб, унда мингдан ортиқ хотин-қизлар иштирок этди. Тиббиёт ходимлари ўртасидаги республика волейбол мусобақасида наманганлик хотин-қизлар биринчи ўринни эгалладилар.

Аёлларнинг меҳнат ва яшаш шароитлари учун ҳамма жойда ҳам аҳвол бир хил эмас. Поп нотўқима матолар акциядорлик жамиятида, Наманган туманидаги «Турк-Атлас» қўшма корхонаси ҳамда Чуст туманидаги кўзи ожизлар ўқув ишлаб чиқариш корхонасида ишчи аёллар меҳнати учун етарли шароит яратилмаганлиги аниқланди. Поп нотўқима матолар ишлаб чиқариш акциядорлик жамиятининг фақат номигина қолган. Корхона рўйхатидаги 623 аёлдан 84 нафари иш бўлишига қараб вақти-вақти билан қатнаб туришади, холос. Ходимларга иш ҳақи сақланмаган ҳолда жавоб бериб юборилган. Норин тумани Соғлиқни сақлаш бўлими, Мингбулоқ туман халқ таълими муассасаларида ходимларни рағбатлантириш талаб даражасида эмас. Масалан, Норин тумани марказий шифохонаси ходимлари шу йилнинг биринчи чорагида иш ҳақи фондининг 15 фоизи ўрнига атиги 0,58 фоизи миқдорида рағбатлантирилган. Наманган туман умумий овқатланиш ҳиссадорлик жамияти ишчиси Д.Темированинг ҳомиладорлик таътилига ишлаган даври учун меҳнат таътилининг пули қўшиб берилмаган. Уйчи, Мингбулоқ туманидаги босмаханаларнинг ишчиларига, вилоят шошилинч тиббиёт ёрдам Марказида 12 ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга Меҳнат Кодексининг 232-моддасида кўрсатилган 3 кунлик қўшимча таътил эътиборга олинмаган. Поп ва Учқўрғон туманларидаги ғишт ишлаб чиқариш корхоналарида зарарли шароитларда ва катта зўриқиш бўладиган ишларда аёлларни ишлатиш ҳоллари ҳамон учрамоқда. Айрим касаба уюшма ташкилотлари бундай ҳолларда келишувчанлик йўлини тутмоқдалар.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Қилмиш-қидирмиш

СИРЛИ ЖОМАДОН

Самарқанд туман ички ишлар ходимлари томонидан Ш.Рашидов номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги «Даҳбед» давлат автомобил назорати масканида текшириш учун тўхтатилган «КамАЗ 5320» русумли 12 А 90-22 давлат белгиси қўйилган автомашина ҳайдовчиси, Сирдарё вилояти Янгиер шаҳрида яшовчи Наби Нуржоновнинг сумкасидан Олмониядa ишлаб чиқарилган тўппончанинг 9 та патрони, жанговор граната ва Макаров тўппончасининг 8 та патрони, ҳамда Россия Федерациясининг Перм шаҳрига ҳисобга қўйилган Наби Нуржонов номига берилган, унинг Ўзбекистон фуқароси эканлигини тасдиқловчи Ўзбекистоннинг янги паспорти топилди.

ПОРАХЎР ҚЎЛГА ТУШДИ

Қуруғидан чўзсин, деган мазмунда иш юритган бир мансабдор шахс ишдан кетадиган бўлди. Кетгандаям шу қадар беобрў бўлдики, асти қўяверинг.

Тошкент вилояти Оққўрғон туман ҳокимиятининг ижтимоий масалалар бўйича мутахассиси Б.Нодиров хизмат хонасида А.Икромов жамоа хўжалигида яшовчи 16-мактаб директоридан ўз лавозимида қолдириш эвазига 10 минг сўм пули пора сифатида олаётганида қўлга тушди.

Эндигина ўттизга тўлган йигитнинг олғирлиги бу сафар ўзига қимматга тушди.

ОШҚОЗОНДА ГЕРОИН

Бухоро тармоқ ички ишлар бўлими ходимлари «Душанбе-Волгоград» поездининг 11-вагони 1-жойида келаётган йўловчи, Душанбе шаҳрида яшовчи фуқаро Камолиддин Нигматовдан гумонсираб, уни бўлимга олиб келдилар. Тезкор тадбирлар натижасида у ўз ошқозонига гиёҳванд модда ютиб олганлиги аниқланди. Биринчи куни унинг ошқозонидан 32 дона елим халтачага ўралган, ичига 160 грамм героин моддаси солинган шарсимон доначалар олинди. Иккинчи куни эса яна 6,5 грамм героин гиёҳванд моддаси туширилди.

Айнан шу куни ўша вагоннинг 12-ўриндиғида сафарга кетаётган тожикистонлик Тоғаймурод Шаропов ҳам милиция ходимларининг «назари»га тушди. Унинг бежо ҳаракатидан шубҳаланган жиноят қидирув бўлинмаси ходимлари текшириб кўришганида, 160 граммга яқин миқдордаги героинни 35 дона елим халтачага солиб, ютиб кетаётгани маълум бўлди. Унинг тушунтиришича, ушбу моддани Душанбе шаҳридан сотиб олган ва Волгоград шаҳрига олиб бориб сотмоқчи бўлган экан.

Шухрат РЎЗИЕВ,
ИИВ Матбуот маркази ходими.

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР

Ўзбекистон Фанлар академиясининг интитутларида олиб борилаётган тадқиқотлар натижаси ўлароқ кўплаб нашрлар босмага тайёрланмоқда. Шу йилнинг олти ойи мобайнида бу изланишлар асосида 1700га яқин илмий иш, 7 та монография нашрдан чиқди.

«Маънавият юлдузлари (Марказий осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар)» деб номланган китоб ҳам тортиқ қилинди. «Акциология қадриятлар фалсафаси», «Қалб қаъридаги қадриятлар» каби тўпламлар ҳам илмий меросимиз тарихи ҳақида ҳикоя қилади.

Шуниси муҳимки, умумий нашр қилинган мингдан ортиқ илмий мақолаларнинг 200 дан ортиғи чет мамлакатларда босилиб чиқди.

ОММАБОП ЛУҒАТЛАР

«Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур»да олий ўқув юртларида ўқитилаётган муҳим таълимий жараёнларга бағишланган ўқув адабиётларини чоп этиш масаласи ҳам илгари сурилди. Ана шу талаблар асосида фаннинг қатор йўналишларига бағишланган сўзлагич ва луғатлар ҳам яратишга киришилди.

Хусусан, физикавий электроника бўйича атамалар луғати босмага тайёрланди. Ушбу русча-ўзбекча луғат Ўзбекистон Фанлар академиясининг электроника илмий текшириш институтининг етакчи олими А.Жўрахолов томонидан тузилди. Унда шу фанга доир кўпгина сўз, ибораларнинг луғавий талқини ўз ифодасини топган.

ХАБАРЛАР ОҚИМИ

Самарқанд вилояти Челак туманида мустақиллик байрами арафасида Ўзбекистон-Россия «Болтимор-Челак» қўшма корхонаси ишга тушди. Россия томонидан бир миллион АҚШ доллари инвестиция қилинди. Бу корхонада кетчуп, соус, горчица, мойонез ишлаб чиқарилади. Юзлаб одамлар иш билан таъминланди.

* * *

Ўзбекистон-Италия «Совпластитал» қўшма корхонасининг Самарқандда ўз дўкони очилди. Бир ойда икки ярим миллион сўмлик ҳажмда савдо айланмаси бўлади. Дўконда қўшма корхонанинг юз турдан ортиқ маҳсулотлари жой олган.

Қатағон қурбонлари

«ДЕСАНТЧИ»ЛАР ИСКАНЖАСИ

Ярим кеча. Ҳамма ширин уйқуда. Кутилмаганда эшик қаттиқ тақиллади. Абдувоҳид ака минг хаёлда йўлак томон юрди. Дарвоза очилиши билан икки киши хонадонга бостириб кирди.

— Биз билан юрасиз, - деди кутилмаган меҳмонларнинг бири унинг шахсини аниқлагач.

— Қаёққа, нима сабабдан?

— Гапни қисқа қилинг, борганда биласиз.

1984 йилнинг август кечасидаги бу ташриф юракларда армон бўлиб, Абдувоҳид Каримовнинг тақдирига нуқта қўйишини ким ҳам билибди?!

Китоб туманининг Севаз қишлоғида туғилиб, асл деҳқонлар орасида вояга етган, она заминни жон-дилдан севган А.Каримов фаолиятини миробликдан бошлади. Қақроқ ерларга сув чиқариш, экинзорлар барпо этишга муносиб ҳисса қўшди. Тошкент ирригация ва мелиорация олийгоҳини томомлагач, Эскианҳор омборида бош муҳандислик қилди. Изланувчан, қатъиятли мутахассис назарга тушди. Кўп ўтмай Бухоро вилояти сув хўжалиги бошқармасига раҳбар этиб тайинланди. 1965 йили эса Қашқадарё вилоят ижроия қўмитаси раисининг муовини вазифасида иш бошлади. Илмий ишга қўл уриб, неча йиллардан буён қақраб ётган Макрид даштларига сув олиб чиқиш муаммолари ечими устида бош қотирди. Номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Даштга дренажлар орқали сув олиб чиқиб, деҳқонлар орзулари ушалишига муносиб ҳисса қўшди.

Йиллар бесамар ўтмади. Абдувоҳид Каримов масъулиятли лавозимларда ишлаб ишончни оқлашга астойдил интилди. Хусусан, Китобдаги деҳқончиликка яроқсиз ерлар ўзлаштирилиб, пахтазору экинзорлар барпо этилди. Қўприклар қурилди, маъмурий, турар жой бинолари қад ростлади. Қалби яратиш ишқи билан ёнган Абдувоҳид Каримов Сурхондарё вилояти, кейинчалик Бухоро вилоятига раҳбарлик қилганида ундаги энг яхши фазилатлар намоён бўлди.

1983 йилда республикада кўз кўриб, қулоқ эшитмаган кўргуликлар содир бўла бошлади. Марказдан Ўзбекистонга келган «десантчи»лар, хусусан Гдлян бошлиқ гуруҳ «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» ниқоби остида ҳатто оддий бригадирга ҳам зуғум ўтказди. Одамларимизни истаганича хўрлади. Кўпгина раҳбару мутахассислар ёвузларнинг қийноқларига дош беришолмади.

Абдувоҳид Каримовнинг аччиқ қисмати ҳам аслида бутун бошли миллат устидан кулиш эди. Жабрдийданинг тўнғич фарзанди, Китоб туман марказий шифохонаси шифокори Зубайда Каримова шундай ҳикоя қилади:

- Отангизни қамаб қўйишибди, - дейишганида аввалига ишонмадим. Сўнг саросимада Қаршига бордик. Ҳеч ким отамни қаердалигини айтиб беролмади. Кунлар азоб билан ўтарди. Бир ойдан сўнг укам Баҳодирни, синглимни қамоққа олишди. Кейин билсак укаларимни Душанбедаги КПЗда сақлашибди. Отамни кўриш, нима сабабдан қамалганлигини билиш уч йилгача насиб этмади.

Бир куни мени Шаҳрисабз прокуратурасига чақиришди. Егулик олиб борсам укаларимга беришмабди. У ерда мен - аёл киши билан қанчалик қўпол муомала қилишганлигини тушунтира олмайман.

- Отанг давлатдан анча-мунча қарздор бўлган, - деди терговчилардан бири пўписа қилиб. - Қарзни сизлар узишингиз керак. Йўқса ҳаммангизни турмада чиритаман. Уйдаги қўлга илинадиган нарсаларни ўз ихтиёрингиз билан топширмасангиз, укаларингни қаматиб, отангни отиб ташлаймиз.

- Тушунмаяпман, нега, қайси гуноҳимиз учун?

- Гап қайтарма, айтганни қил, акс ҳолда кейин қаттиқ пушаймон қиласан.

- Ортиқча мол-дунёмиз йўқ. Борларини ҳам пешона тери эвазига топганмиз.

Кўнглим ўксиб, йиғлаб юбордим. Терговчиларнинг баттар жазаваси тутди.

- Бу аёл гапга тушунмайдиган кўринади, - ўшқирди терговчи Карташян. - Пачакилашиб ўтириш бефойда.

Мени Гдлян олдига бошлаб киришди. Бўрилар бошлиғи ўзини мулойим тутишга уринарди.

- Отанг жиноятчи, давлатдан катта қарзи борлиги учун шу куйга тушдиларинг. Отанг олиб берган жамики буюмларни ўз ихтиёрингиз билан давлатга топширасизлар, акс ҳолда умрингизни Сибирда чиритаман. Болаларингиз тўғрисида ҳеч ким ҳеч нарсани ўйлаб кўрмаяпти. Ҳеч ким ҳеч нарсани ўйлаб кўрмаяпти. Ҳеч ким ҳеч нарсани ўйлаб кўрмаяпти.

Адолатсизлик, хўрлаш, қийноқлардан тинкаси қуриган аёл нурсиз кўзларини Гдлянга тикиб деди:

- Нима истайсиз ахир, инсоф борми ўзи? Дадамнинг рўзғоридан чиқиб кетганимга анча бўлди. Ишонинг, бизда зеб-зийнат йўқ.

Сўроқ исканжаси давом этарди. Энди Зубайда Каримова Ивановга рўбарў қилинди. Карташян куракда турмайдиган сўзлар билан кетма-кет ҳақоратларди. Буниси ўзича уни ҳимоя қилмоқчи бўлди.

- Уйингда бор нарсаларни мана бу қоғозга рўйхат қилиб ёзиб бер. Шунда маломатдан қутиласан.

Зубайда опа рўзғоридаги буюмларини турмуш ўртоғи, фарзандлари билан бирга йиққанлигини баён қилди. Бу терговчиларнинг баттар жаҳлини чиқарди. Хатни ғижимлаб отиб юборишди.

- Борини ёз, биз билан ҳазиллашма. Энди биз айтганларни қоғозга туширасан.

Аёл терговчилар мақсадини, гап қаёққа бурилаётганлигини англади. Шу боис виждонига қарши бормади.

Хатни ўқиб кўрган Карташян Зубайда опанинг юзига тарсаки тортиб юборди. Кутилмаган шапалоқ зарбидан кўз олди қоронғилашди. Боши деворга урилиб, ўзини йўқотаёзди. Шунда ҳам «десантчи»лар инсофга келишмади. Ярим кечада бечора аёлни узоқ вақт чиғириқдан ўтказишди. Бироқ, бирор жўяли гап олишолмагач, яна камерага қамаб қўйишди.

Бахтсизлик бир келса келавераркан. Зубайда опанинг ўғли Эркинжонни оёқ хасталиги қаттиқ қийнарди. Уч ёшли қизчаси Сайёра ҳам касалдан чиқмай қолди. Кутилмаган кўргиликлар оила аъзоларини эзиб ташлаганди.

Терговчилар З.Каримовани умрдоши билан учрашишга рухсат беришди. У ҳам Зубайдани кўриб эзилиб кетди: «Қийноқларга дош беролмайсан, деб қўрқаман. Улар нима деса шуни ёзиб бер. Пешонадагини кўрамиз...»

Сабабсиз қийноққа солинган, ҳақ-ҳуқуқи топталган аёл дўқ-пўписалар остида ҳақиқатга тўғри келмайдиган «тушунтириш хати» ёзишга мажбур бўлди. Унинг мазмунига қараганда, гўё уйдаги бор бисотни отаси ҳаром йўллар билан олиб берган, уларни давлат ихтиёрига ўз хоҳишлари билан топширишга рози эканликларини ифодаларди. Шу тариқа Абдувоҳид Каримовлар катта хонадонидаги мол-мулк мусодара қилинди. Ҳатто заёмларни ҳам тортиб олишди.

1987 йилда суд бўлиб, А.Каримовга олий жазо тайинланди. Яна югур-югур, бедор кунлар бошланди. Энг юқори идораларга бош урилди. Барибир ҳаётда мард, одил инсонлар бор. Уларнинг аралашуви билан олий жазо 20 йиллик қамоқ билан алмаштирилди. Бироқ, 9 ойгача Абдувоҳид акага бу ҳақда билдиришмади. У қамоқхона эшиги тирқ этса юраги ўйнаб ўлимини кутиб ётди. 9 ойдан сўнггина уни сўнгги ҳукм билан таништиришди.

Абдувоҳид Каримовнинг суддаги сўнгги сўзини фарзандлари, қадрдонлари яхши эслашади: «Болаларим, мен жиноятчи эмасман. Ҳеч қачон бошингизни эгманг. Ватаним, халқим деб қўлимдан келганча ишладим. Юртдошларимдан қарзим кўп. Бесабаб азият чекаётган мен каби ўзбек фарзандларининг ҳали юзи ёруғ бўлишига ишонаман...»

Афсуслар бўлсинки, бу ажойиб инсон қатағон қурбони бўлди. 1992 йил январида Свердлов вилоятининг Ивдел туманидаги Лозва турмасида бағоят ҳолсизланган ҳолда бўлган бир пайтда «Абдувоҳид Каримов, сиз қамоқдан озод бўлдингиз, эрта-индин юртингизга қайтасиз», деганларида кўз ёшлари юзларини ювди. Саккиз йилдан ортиқ вақт мобайнидаги изтироблар, адолатсизликлар ўз касрини қилганди. Хушхабарни шикаста қалб кўтара олмади. Қон босими кўтарилиб, бу ёруғ дунёдан алам ва изтиробда кўз юмди.

Қатағон қурбонларининг аччиқ қисмати, қизил империя халқимиз бошига солган кўргиликлар ҳақида ўйлаганимизда мустақилликнинг қадрини яна ҳам теран англагандек бўламиз. Ҳа, собиқ шўро даврида ҳақ-ҳуқуқимиз чекланган, динидан, тилидан, маданиятидан мосуво қилинган халқ эдик. Узоқ йиллар мобайнида деҳқонларимиз қулдек ишлаб, кўплаб пахта етказиб бериб, рўшнолик кўрмадилар. «Десантчи»ларнинг ёвузликлари, кирдикорлари, одамларимизга қилган зуғумларини унутишга асло ҳаққимиз йўқ.

Шавкат СУЛТОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Гиёҳвандлик — фожеа

«ҚОРА ИЛОН» ҲАМЛАСИ

Ёз кунларидан бири эди. Куёш ўзининг жазирама нурлари билан ерни қизитар, тирик жонзот борки, салқин жой излаб ўзини панага оларди. Ҳаттоки қушларнинг овози ҳам тиниб, ҳамма ерда сукунат ҳукм сурарди. Фақат катта йўлдан ўтиб қолган бир-икки автомобилнинг овозигина бу жимликни бузарди.

Туғруқхона қабулхонаси олдига келиб тўхтаган «Тез ёрдам» машинасидан сакраб тушган фельдшер ўтирган аёлнинг тушишига ёрдам берди ва ўзига суяганча ичкарига етаклади.

Аёлни қабулхонадан тўғри туғруқ залига олиб ўтишди. Бу Нигоранинг биринчи ҳомиладорлиги бўлиб, олдинда уни нималар кутишини билмас, ён-атрофга ҳам қизиқиш, ҳам қўрқув тўла кўзлари билан аланглар эди. Ва қадам орқага чекинди. Сўнг тезда ўзини қўлга олиб, менга савол назари билан боқди. Ҳа, бундай ҳолатда ҳар қандай инсон ҳам даҳшатга тушиши мумкин. Чунки гўдакнинг танаси коптоксимон думалоқ бўлиб, қўл-оёқлари жуда кичкина қиз бола эди. Калласи жуда кичкина, бўйин қисми деярли йўқ эди. Ҳаммадан даҳшатлиси, икки кўзи бир-бирига шунчалик яқин жойлашганки, бироз нарироқдан қарасангиз, гўё бир кўздек кўринарди. Бурни ўрнидаги бармоқсимон ўсимтанинг, суяк қатлами бўлмаганлиги сабабли уни қаерга оғдирсангиз, ўша томонга оғар эди. Бурун тешикларидан асар ҳам йўқ, оғзи, лаблари қимир этмасди. Қулоқлари кичкина ва жуда пастда жойлашган. Бадани туғриқдан кейинги бир неча сониянинг ўзидаёқ пуштидан кўкимтир рангга ўтди. Гўдакда ҳаёт нишонаси йўқ эди. Ваҳоланки, туғриқдан олдин текширилганда гўдакнинг юрак уриши эшитилганди.

Мен чақалоқнинг устини чойшаб билан ёпиб, паст овозда акушеркага тезда уни бу ердан олиб чиқиб кетишни буюрдим. Атрофини ўраб олган шифокорлар ҳамда хонада ҳукм сураётган ғала-ғовур аёл ва унинг фарзанди орасида бир парда бўлиб турди. Бир оздан сўнг Нигора менга илтижоли кўзлари билан боқди ва кучсизланган овози билан:

- Нега болам йиғламаяпти? Менга уни кўрсатинглар, - дея сўради.

Мен унга нима дейишни билмас эдим. Ҳозир ҳар бир ножўя айтилган гапим унинг ёш умрига завол бўлиши мумкин эди.

- Болангизни нариги хонага, йўргаклагани олиб кетишди. Кейин, албатта, кўрасиз. Ҳозир ўзингизга келиб олинг, - деб уни юпатишга мажбур бўлдим.

Нигора ҳеч қачон ўз фарзандини кўрмаслиги аниқ. Лекин ҳозир аёлнинг ҳаёти учун кураш кетмоқда, бундай дамда ёлғон ҳам малҳам ўрнини босади. Нигоранинг оналик туйғуси бир нимани сезди шекилли, у маъюсгина қўшни аёлнинг чақалоғига боқди ва чуқур хўрсиниб қўйди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, уйига кетар чоғида, Нигора менинг хонамга кириб келди. Биз узоқ суҳбатлашдик. У олдимга маслаҳат олгани келган эди. Нигорани бир савол қийнарди: «Кейинги болаларим соғ бўлармикан?» Нигоранинг гапидан маълум бўлишича, унинг турмуш ўртоғи гиёҳвандликка ружу қўйган экан. Тўйдан аввал қуёв томон буни сир тутишган. Сўнг турмуш ўртоғи яширинча бир-икки ой наша истеъмол қилиб юрган, кейинчалик эса буни яширишга уринмаган ҳам. Хотининнинг қистови билан, икки ой давомида наркологик диспансерда даволанган. Шундан сўнг Нигора «Энди эрим тузалди, фарзандли бўлсак ҳам бўлади», деган қарорга келади.

Ҳомиладорликнинг иккинчи ойида уни кўнгил айнишлар шу даражада қийноққа соладики, у дугонасининг: «Кўкнор дамламасидан бир пиёласини ичиб юбор, болангга ҳеч нима қилмайди, аксинча аҳволинг яхшиланади», деган гапига ишонади. Ҳақиқатан ҳам у дамлама истеъмол қилгандан сўнг аҳволи бироз яхшилангандек бўлади. Мен Нигорадан кўкнорини қаердан олганини сўраганимда, у саволимга жавоб бермай, гапни бошқа ёққа буриб юборди. Аввалдан гиёҳванд моддаларнинг ҳомилага зиёнини билган аёлнинг кейинчалик ўзи ҳам уни истеъмол қилишига ақл бовар қилмас эди.

Бир неча аср бўлибдики, инсон гиёҳванд моддаларнинг қудратини ва уни истеъмол қилиш оқибати нималарга олиб келишини яхши билади. Кўкнори, кокаин, героин каби заҳри қотил моддаларни халқимиз бекорга қора илонга ўхшатишмайди. У остона ҳатлаб хонадонимизга кириб келганини сезмай қоламиз. Оҳисталик билан қурбонининг ёнига ўрмалаб келган «қора илон» қушандаси қўйнига қўл солади. Биринчи маротаба гиёҳванд моддани истеъмол қилган одам, ундан роҳатланади. Ўзини эркин қушдек сезади, барча ғаму ташвишини, у ўзини қийнаб келаётган ҳистуйғуларни унутади. Қопқора бўлиб кўринган ҳаёт осмонида, чарақлаб қуёш чиққандек бўлади. Унда қувонч, ҳотиржамлик, роҳат ҳиссиётлари устун келади. Оғриқ ҳисси йўқолади, ўзини дунёдаги энг бахтли инсон билади. Лекин бу узоққа чўзилармикин? Кейинчалик ҳиссиётларни такрорлаш учун у яна наркотик моддалар томон қўл чўзади. Энди «Қора илон» ўз қурбонини қаттиқроқ исканжага олади. Тез фурсатда қурбони гиёҳванд инсонга айланади.

«Қора илон» исканжасидан қутулиб кетишга ҳар кимнинг ҳам қурби етмайди. У энди гиёҳванд моддаларсиз яшай олмайди, ўз вақтида уни истеъмол қилмаса, бутун баданида оғриқ пайдо бўлади, оёқ-қўллари увишади, психологик ўзгаришлар юзага келади, атрофидагиларни яхши танимайди. Баданидаги оғриқ шу даражада кучли бўладики, бир истеъмоллик наркотик моддани топиш учун жиноят қилишдан ҳам қайтмайди. Лекин ҳар қандай дарднинг давоси бўлганидек, нашавандликни ҳам даволаса бўлади. Аммо бунинг учун инсоннинг ўзида ишонч бўлмоғи лозим, танасини ўраб олган қора илонни юлқиб ташлаш учун ўзида куч сезмоғи керак.

Илгари наркотик моддаларни асосан эркаклар истеъмол қилар эдилар, кейинги 3-5 йил ичида нашавандлар орасида аёллар сони ошиб бораётгани кузатилмоқда. Булар асосан 15-25 ёшдаги аёлларни ташкил қилади. Бу ёшдагилар ҳаётда энди ўз ўрнини излаётган бўлади. Ёш қизлар наркотик моддаларни биринчи маротаба дугоналари даврасида, қизиқиш юзасидан истеъмол қиладилар. Оддий қизиқиш кейинчалик одат тусига киради. Бу қизлар кейинчалик она бўлишларини, ёшликда хато қўйилган қадам ўчмас из қолдиришини ўйламайдилар. Наркотик моддалар гиёҳванднинг психологиясига таъсир этибгина қолмай, унинг ички аъзоларида ҳам асорат қолдириши мумкин. Энг хавфлиси эса наслга таъсиридир. Бу фақатгина ёш мурғакнинг ҳалок бўлишигина эмас, балки тўққиз ой давомида фарзандини орзиқиб кутган она учун ҳам кучли руҳий зарбадир.

Наркотик моддалар туфайли турли туғма нуқсонли гўдаклар дунёга келади: бирининг қўлида панжалар бўлмаса, бошқасининг мия қисми умуман бўлмайди, баъзиларининг қўл-оёқлари танасига нисбатан кичик бўлади. Соғ гўдаклардек туғилган болаларда 2-3 ойлигидан бошлаб, психо-неврологик ривожланишда сустлик кузатилади, бундай болаларнинг аксариятида улғайган сари инсонга хос ҳистуйғуга нисбатан ҳайвоний ҳаракатлар устун кела бошлайди. Бундай фарзандни катта қилиш ота-она учун ҳақиқий жазога айланади...

Фарзанд, айниқса, қиз бола мисоли бир гул, шамол уни қайси томонга эгса, у шу томонга оғади. Гиёҳванд моддалар билан суғорилган бу гул тез орада сўлийди ва ўзидан сўнг ҳеч қандай из қолдирмай йўқолиб кетади. Улғайиб келаётган ёш фарзандларимизни хато йўлдан сақлаш биз ота-оналарнинг муқаддас бурчимиздир. Лекин бу бурчимизни қандай бажаряпмиз, фарзандларимизни ножўя ҳаракатлардан, қамрови кенгайиб бораётган «қора илон» домидан сақлаб қоляпмизми, буни ҳар биримиз жиддий мушоҳада қилиб кўришимиз лозим.

Шоҳида ТУРДИЕВА,
врач-неонатолог.



«Ишонч» танловига

Истиқлол берди имкон,
Ёшлик завқин сурамиз.

Лол қолур бизга жаҳон,
Зўр келажак қурамиз.

А.ТЎРАЕВ олган сурат.

АЖАБТОВУР ЎСИМЛИКЛАР

Афсонавий боғи эрам, айтишларига қараганда икки қаватдан иборат бўлиб, унинг тепасида ҳам, остида ҳам анвойи гули чечак ва турфа мевалар битган. Лекин Шимолий Ҳиндистонда, Кашмир водийсида мавжуд бўлган дарё ва қўллар устида тузуккина сабзавотлар етиштирилади. Маҳаллий аҳоли шакар қамиш ҳамда сув ўтларидан соллар тўқийдилар. Сўнгра унинг устига тупроқ сепиб сабзавот ниҳолларини ўтказадилар.

Ана шундай боғларни суғориш тўғрисида қайғурмаса ҳам бўлади. Чунки эқилган сабзавотларнинг илдизлари қамиш ва сув ўтлари тўқимасидан ўтиб, қўл сувида шокилда пайдо бўлиб, осилиб туради. Оқиб турувчи мазкур сабзавот пуштакларидан йилига икки маҳал ҳосил кўтарилади.

Дунёда 1200 хил пальма борлиги тасдиқланган. Биргина хурмонинг юз нави мавжуд бўлиб, улар ўзларининг ширадорлиги билан ажралиб туради. Уларнинг баъзи баргларида 70 фоизгача қанд салмоғи бор. Шуниси қизиқки, Жанубий Америкада ўсадиган Рафия пальмаси ўзининг кўриниши билан киши назарини аср этмай қўймайди. Унинг елкандай кенг баргининг узунлиги 20 қулоч, эни 10 қулоч атрофида бўлади. Ўсимлик барги ўз навбатида маҳаллий аҳоли учун қуёш тиғидан, ёмғирдан асрайдиган бошпана ҳисобланади.

Жаҳон чемпионлари

МАЙЯ ЧИБУРДАНИДЗЕ

Мамажон МУҲИТДИНОВ

Майянинг 1974 йил Тбилисида ўтказилган анъанавий матчда шов-шувга сабаб бўлган бошқа ўйини ҳам ёдга тушади. Шундай бўлдики, ўша пайтда деярли барча энг кучли хотин-қиз шахматчилар бошқа мусобақаларда банд эдилар. Узоқ муҳоҳазалардан сўнг Югославиянинг катталар ўртасидаги чемпионига қарши Майя Чибурданидзени қўйишга қарор қилишди. Йўқ, унинг маҳорат йўли жуда ҳам силлиқ бўлмади.

Муваффақиятсизликлар ҳам рўй бериб турди, лекин улар ўсишнинг қонуний йўли эди. 15 ёшдаёқ бу шахматчи қиз бир қанча шахмат унвонлари-ю совринларига эга бўлди. Бироқ, унинг ўйинида нуқсонлар, биринчи галда тактикавий жиҳатдан бир ёқламалик сезилиб турарди: улкан мастерга хос юксак уйғунлик етишмасди. Майянинг ўзи 1976 йилгача «болаларча шахмат» ўйнаганини эътироф этади. У оригинал ҳамда ўзига хос шахматчи - гроссмейстер Э.Гуфельд билан 2 йил шуғулланганидан кейингина шахматни чинакамига тушуна бошлади ва маҳорат палласига кирди. Кўп ўтмай, сифат ўзгариши ясалди. 1976 йилнинг охирларида Майя зоналараро турнирда 2-3-ўринларни баҳам кўради. Кейин тож талабгорлари матчида бирин-кетин Н.Александриян, Е.Ахмиловскян ва А.Кушнирларни енгади, матчлар орасида эса мамлакат чемпиони олтин медалини қўлга киритади. Ниҳоят жаҳон чемпионлиги матчида зўр муваффақият қозонади.

Ростини айтсак, Майянинг Н.Гаприндашвили билан матчидаги имкониятлари бунчалик юқори баҳоланмаган эди. Ҳақиқатан ҳам биринчи қарашда шахмат стажини бармоқ билан санаса бўладиган ёш тож талабгори муттасил 16 йил шахмат тожини ҳеч кимга бермай келаётган, кўплаб йирик турнирлар ғолиби, аёллар эркаклар билан теппа-тенг дона сура олишини бир неча марталаб муваффақиятли исботлаган тажрибали чемпионга қарши нимани ҳам қўя оларди? Кўплар, жумладан жаҳон чемпиони ҳам ана шундай деб ўйларди.

Тож талабгори эса шу орада кун сайин эмас, балки соат сайин кучга тўлиб борар ва унинг энг қийин ва масъулиятли имтиҳонга қандай ҳолатда келишини олдиндан билиш осон эмас эди. Шахмат тожини қўлга киритиши билан якунланган тож талабгорлари матчлари бошланиши арафасида Карпов бу туркум меники эмас, дегани ёдингиздами?

Майя ҳал қилувчи имтиҳон пайтига шахматчасига оқилалик билан келди. Стол ёнида даҳшатли чемпионга қарши ёши жиҳатидан анча кичик, лекин шу пайтгача турнир ва матчларда 600 га яқин партияни ўйнаб кўйган руҳан бақувват шахматчи қиз турарди. Агар М.Ботвинник 38 йиллик шахмат фаолиятида мингдан хиёл ортиқроқ партия ўйнагани назарда тутилса бу кўп. Хуллас, Нона Гаприндашвилининг олдида шахмат ўйинининг барча сирларидан воқиф бўлган улкан мастер ўтирарди. Майя ютиб чиқди, ишонарли ғалаба қозонди: 8 1/2:6 1/2 ҳисобида тож талабгори фойдасига тугаган икки машҳур шахматчи дуэли жаҳонга янги чемпион инъом этди. 13 ёшида халқаро мастер, 16 ёшида мамлакат чемпиони ҳамда халқаро гроссмейстер, 17 ёшда жаҳон чемпиони! Бунақаси ҳали шахмат тарихида бўлмаган эди.

Қуйидаги партия эркаклар турнирида ўйналган бўлиб, унда Чибурданидзе 1-3-ўринларни қўлга киритиб, яна бир муваффақиятга эришди. Бу учрашувда грузиялик шахматчи қизнинг рақиби кубалик ёш гроссмейстер бўлган эди.





Мароқли машқлар

Иккаласида ҳам оқлар бошлаб ютади.

Гаройиб олам

ИЧУВЧИГА ЁНҒИН ЧИКОРА...

Базм қилиб ўтирган бир гуруҳ пивохўрлар тўсатдан шовқин кўтарган пивохона хўжайинининг бақириғига заррача бўлсин эътибор беришмасди. Пивохона хўжайини бўлса, тинимсиз бақирарди:

—Ёнғин, ёнаяпмиз!

Англиянинг Флитвуд шаҳри фуқаролари пивохўрликлари билан шуҳрат қозонишган. Улар ҳеч қачон, ер қимирлайдими, тошқин бўладими ёки ер ютадими бакалларини охиригача бўшатмас эканлар, жойларидан туришмайди. Шу сабабли улар хўжайиннинг фарёдига мутлақо эътиборсиз эдилар - ҳеч нарса бўлмагандек, жойларидан жилмасди ҳам. Пивохонага ёпирилиб кирган ўт ўчирувчилар уларни бу сеҳрли ичимликдан ажрата олишмади. Фақат хўжайиннинг ёнғин омборхонага ўтди, ҳозир барча пиво заҳираларимиз ёниб тугайди, деган қичқириғигина хўрандаларни сергаклантирди. Шундан сўнг, улар зудлик билан омборхонадаги пиво заҳирасини қутқаришга отландилар. Шунда ҳам хўжайинга айнан шу ичимликни сақлаб қолиш учун ўринларидан тураётганини писанда қилишни унутишмади.

САПЁР КАЛАМУШЛАР

Шимолий Африкада чўл каламушлари ёпирилишидан ташвишга тушган маъмурият энди айнан шу маҳлуқлар эвазига яхшигина даромад қилишлари мумкин. Шимолий Африка аҳолисини саросимага солган каламушларга Белгия давлати харидор бўлиб чиқди. У ерда чўл зараркунандаларидан мина қидирувчи сапёрлар тайёрланади. Белгиялик мутахассислар ноёб сезгига эга бўлган каламушларни пиёда қўшинларга қарши ишлатиладиган бомбаларни излаб топишга ўргатишди. Ажабланарлиси, каламушлар нафақат тупроқда кўмилган миналарни, шунингдек биноларга жойлаштирилган пластмассали бомбаларни ҳам бемалол топа оладилар. Каламушлар электрошок ёрдамида мослаштирилиб сафарбар этилади. Вазифа муваффақият билан уддаланса, каламушларни қуюқ зиёфат билан меҳмон қилишади. Ҳатто маҳкум каламушлар бўлинмаси ҳам мавжуд. Бу бўлинмадаги каламушлар бомбани ўзлари билан бирга портлатиб юбориш қобилиятига эга.

НАРИГИ ДУНЁДАН ҚЎНҒИРОҚ

Америкалик табиб Мэри Патерсон ўлимидан олдин ғалати васият қолдириб кетди. Унга кўра, Мэрини мобил телефони билан бирга кўмишлари керак эди. Ҳаётлик пайтида руҳлар билан доимий алоқада бўлган. У дўстларига нариги дунёдан қўнғироқ қилишга ваъда берди. Мэрининг сўнгги тилагига ҳеч ким қаршилик қилолмади ва уни мобил телефони билан бирга дафн этишди. Бироқ, орадан саккиз ҳафта ўтса ҳамки, марҳум қўнғироқ қилай демасди. Шундан сўнг қариндошлари бекорга пулни сарф этмаслик учун мобил телефонини ўчириб қўйишга қарор қилишди.

Ким билади, эҳтимол яна бироз сабр-тоқат қилганларида бутун оламни шов-шувга соладиган янгиликка гувоҳ бўлишармиди. Агар Мэри Патерсоннинг руҳлари билан алоқа қилиш маҳоратини инобатга олсак, бу тахминимиз ҳам ўринли туюлади.

КИМГА ТЎЙ, КИМГА АЗА

Лиссабонлик адвокат Эдуардо Боржо судда ўз мижозини маҳорат билан ҳимоя қилди. Софи Логуа маст ҳолда автомобил ҳайдагани ва тезликни оширгани учун айбланаётганди. Софи ҳайдовчилик гувоҳномасидан жудо қилиниши, шунингдек каттагина миқдорда жарима тўлаши шарт эди. Аммо Боржонинг устамонлиги судяларни доғда қолдирди.

Суддан сўнг адвокат ва собиқ айбланувчи самимий хайрлашишди. Уларнинг яна учрашишлари ҳеч бирининг хаёлига келмаган бўлса керак. Боржо бу муваффақиятли кунини охиригача етказа олмади.

Ишдан чиқиб уйига йўл олар экан, ҳеч қанча юришга ҳам улгурмагандики, тўсатдан катта тезликда келаётган машина бечора адвокатни уриб юборди.

Боржо ҳушини йўқотишдан олдин ҳайдовчини кўрсатишларини илтимос қилди. Ҳайдовчига назар ташлаб эса, унга маст кўзларини маъносиз тикиб турган Софи Логуани таниди..

Чунки Софи суддан чиқиб, дарҳол бу ажойиб ғалабани ювиш учун яқиндаги ресторанга отланганди. У ерда ўтириш одатдагидек - ичкилик билан якунланганди.

ЁШ МУТАХАССИСЛАР - КОРХОНАЛАРГА

Тошкент Давлат Техника Университетининг Энергетика факультетини бу йил кўпгина малакали ёшлар битириб чиқди. Уларнинг аксарияти ўз мутахассисликлари бўйича ишлаб чиқариш масканларига йўл олдилар.

Ўзбекистон энергетика ва электрлаштириш вазирлиги ва унга қарашли корхоналарига ҳам ёш энергетикларни ишга қабул қилишди. Худди, шунингдек, олий ўқув юртининг нефтгаз мутахассислиги бўйича тугаллаб, мухандислар бўлиб етишган ёш кадрларга ҳам талаб ортиб бормоқда. Шу сабабли ҳам олий ўқув юрти Бухоро, Қашқадарё, Жиззах вилоятларидан кўплаб илтимосномалар олди.

Ректорати буларни инобатга олиб «Муборакгаз», «Ўзбекнефткон», «Ўзтрансгаз» каби ишлаб чиқариш бирлашмаларига талайгина ёшларни ишга юборди.

Айни вақтда янги ўқув йили бўйича ҳам ҳамкорлик шартномалари тузилди.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Тахрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт–матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Босишга топшириш вақти – 21.00 Топширилди 22.00

Буюртма Г— 0648. 123456